




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI
ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-92-04
e-mail: info@antimon.gov.uz, e-xat: antimon@exat.uz, www.antimon.gov.uz



Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

IT-технологиялар,
телекоммуникациялар

ва инновацион фаолиятни
ривожлантириш масалалари
департаменти

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаментининг 2020 йил 20 октябрдаги 08/1-1442-сонли топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳасини (ID-23476 (V-1)) Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида кўриб чиқиб, мазкур Қарор лойиҳасининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича хулосаси иловага мувофиқ юбормоқда.

Илова тўрт варагда.

Председатель



Шарипов Н. Ш.

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича

ХУЛОСА № 40

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигига 2020 йил 5 октябрь қуни “Миллий почта тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларга асосан.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда тақлиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “Ўзбекистон почтаси” АЖ;
давлат органлари гурухи – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Монополияга қарши курашиб қўмитаси, Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссияси, Экспортни рағбатлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, Тошкент шаҳри ва вилоят ҳокимликлари.

бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 6-бандида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, тижорат банкларининг уч ой муддатда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамиятининг 100,0 млрд. сўм микдордаги оддий акцияларини қўшимча чиқариш ҳамда мазкур акцияларни 45-иловада келтирилган корхона ва ташкилотлар (*AT “Алоқабанк”, “Ўзбектелеком” АК, AT “Агробанк”, AT “Халқ банки”, AT “Асака банк”, AT “Саноат Қурилиши Банк”, “Миллий банк” АЖ, AT “Қишлоқ қурилиши банк”*) орасида жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқулланиши;

Истисно тариқасида, 2020-2024 йиллар мобайнида Миллий оператор томонидан олинадиган соф фойдадан тўланадиган дивидендлар кейинчалик устав фондини (капитализация қилиш) ошириш шарти билан, почта алоқаси тармогини ривожлантириш, ахборот тизимларини жорий этиш ва кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш учун Миллий оператор ихтиёрида қолдирилиши белгиланган.

6.2. Қарор лойиҳасининг 7-банди иккинчи хатбошисида почта ва курьерлик

хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларининг барча ҳалқаро почта ва куръерлик жўнатмаларини почта хавфсизлиги назоратидан ўтказиш Миллий оператор томонидан ўзининг ҳалқаро почта алмашинуви пунктида шартнома асосида амалга оширилиши назарда тутилган.

6.3. Қарор лойиҳасининг 9-банди учинчи хатбоисида 2021 йил 1 январдан мазкур қарорнинг 3–44-иловаларига мувофиқ почта алоқаси корхоналарини трансформация қилиш лойиҳаларини кўзда тутувчи “йўл харита”лари амалга ошириладиган намунавий туманларда камидаги 13 та турдаги давлат хизматини аутсорсинг асосида ташкил этилишини таъминлаш белгиланган;

6.4. Қарор лойиҳасининг 10-бандининг биринчи хатбоисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Миллий операторни хорижий давлатларда чоп этиладиган даврий матбуот нашрларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона тарқатувчи этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқулланиши ҳамда тўртинчи хатбоисида даврий матбуот нашрларни тарқатиши фаолияти билан шуғулланадиган барча юридик ва жисмоний шахслар хорижий давлатларда чоп этилган даврий матбуот нашрларни тарқатишни Миллий оператор билан бош битим тузган ҳолда амалга оширилиши белгилаб кўйилмоқда.

6.5. Қарор лойиҳасининг 11-бандида Монополияга қарши курашиш қўмитаси икки ой муддатда Миллий оператор томонидан кўрсатиладиган почта алоқасининг универсал хизматлари тарифлари давлат томонидан тартибга солинишини босқичма-босқич бекор қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилиши назарда тутилган.

6.6. Қарор лойиҳасининг 14-бандида Миллий оператор 2022 йил якунига қадар ушбу қарор билан белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур республикада ишлаб чиқарилмайдиган автомототранспорт воситалари, ускуналар, курилмалар, моддий-техника ресурслари, дастурий таъминотлар ва хизматларни импорт қилишда божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) озод қилиниши кўрсатилган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши **тақиқланган**.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сон қарорида солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан:

умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилиши, шунингдек, аниқ мақсадга эга бўлиши ҳамда аниқ ижтимоий, иқтисодий ва молиявий натижаларга эришишни таъминлаши зарурлиги;

вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан **3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга** берилиши;

индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, **соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш кўрсатилган**.

Қарор лойиҳасининг 10-бандида кўзда тутилган Миллий операторни хорижий давлатларда чоп этиладиган даврий матбуот нашрларини Ўзбекистон Республикаси худудида ягона тарқатувчи этиб белгиланиши, мазкур соҳада

ўнлаб хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятини тугатилишига ва ушбу хизматлар соҳасида ягона монопол хўжалик юритувчи субъектнинг вужудга келишига олиб келади.

Юқоридагиларга асосан Қарор лойиҳасининг 7-банди иккинчи хатбоисини, 10 ва 14-бандларини чиқариб ташлаш лозим.

Шунингдек, Қарор лойиҳасининг 6-банди, 9-банди учинчи хатбоисини Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни талабларига мувофиқлаштириш лозим.

7.2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари фаолияти давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда 7-моддасига мувофиқ табиий монополия субъектлари фаолиятида нархларни тартибга солиш ваколатли орган томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан Қарор лойиҳасининг 11-бандини чиқариб ташлаш лозим.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, почта алоқаси хизматлари бозорида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъеклар учун рақобатнинг чекланиши олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳасини юқоридаги таклифлар ва эътиrozларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим ва **лойиҳани тақдим этилган таҳрирда қабул қилиниши мақсаддага мувофиқ эмас ҳисобланади.**